#### ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ,МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ КАРОРИ

610 Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш приборларини киёслашдан ўтказиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2736

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўгрисида» ги, «Электр энергетикаси тўгрисида» ги ва «Истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида» ги конунларига мувофик Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги **қарор қилади:** 

1. Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш приборларини киёслашдан ўтказиш тартиби тўгрисидаги низом иловага мувофик тасдиклансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.



**— 70 —** 

48 (704)-сон

610-модда

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Электр энергетикада назорат буйича давлат инспекцияси бошлиги

А. НИМАТУЛЛАЕВ

Тошкент ш., 2015 йил 30 октябрь, 6-сон

Узбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг бош директори

А. ҚУРБОНОВ

Тошкент ш., 2015 йил 30 октябрь, к-8-сон

Электр энергетикада назорат буйича давлат инспекцияси хамда Узбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2015 йил 30 октябрдаги 6, к-8-сонли қарорига ИЛОВА

# Маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш приборларини киёслашдан ўтказиш тартиби тўгрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўгрисида» ги ва «Электр энергетикаси тўгрисида» ги конунлари хамда Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофик, маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олишнинг электрон приборларини (бундан буён матнда хисобга олиш прибори деб юритилади) киёслашдан ўтказиш тартибини белгилайди.

#### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади: маиший истеъмолчи (истеъмолчи) — худудий электр тармоклари корхонаси (бош ишончнома асосида худудий электр тармоклари корхонаси номидан шартнома тузувчи электр таъминоти корхонаси) билан электр таъминоти шартномасини тузган ва электр энергиясидан маиший эхтиёжлар учун фойдаланадиган жисмоний шахс;

**Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.** 



**худудий электр тармоқлари корхонаси** — вилоят, шахар, иқтисодий зона (саноат зонаси) доирасида электр таъминоти шартномаси асосида истеъмолчиларга электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш хуқуқига эга булган юридик шахс;

электр таъминоти корхонаси — худудий электр тармоқлари корхонасининг туман, шаҳар, иқтисодий зона (саноат зонаси) доирасида электр энергиясини тақсимлаш ва сотишни амалга оширувчи булинмаси;

**қиёслашдан ўтказиш ишлари** — электр таъминоти корхонаси томонидан истеъмолчининг хисобга олиш приборини ечиб олиш (демонтаж қилиш), уни қиёслашдан ўтказиш, қиёслашдан ўтган хисобга олиш приборини истеъмолчига етказиб бериш, хисобга олиш приборини жойига ўрнатиш (монтаж қилиш) бўйича бажариладиган ишлар (хизматлар) мажмуи.

- 2. Истеъмолчилар томонидан фойдаланилаётган Ўзбекистон Республикаси Ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган ҳисобга олиш приборлари белгиланган тартибда ҳиёслашдан ўтказилиши шарт.
- 3. Истеъмолчилар томонидан фойдаланилаётган хисобга олиш приборлари:

даврий қиёслашдан — ҳисобга олиш приборларини қиёслашлараро интервал муддати тугаганда;

навбатдан ташқари қиёслашдан — ҳисобга олиш приборларининг қиёслашдан ўтказилганлигини тасдикловчи пломбаси шикастланганда ёки қайта созлаш ишларини ўтказиш зарурати вужудга келганда;

эксперт қиёслашдан — ҳисобга олиш приборларининг созлиги ёки уларнинг қуллашга яроқлилиги, метрологик тавсифлари буйича мунозарали саволлар туғилганда утказилади.

- 4. Хисобга олиш приборларининг қиёслашлараро интервал муддати тўрт йилни ташкил қилади.
- 5. Электр таъминоти корхонаси ўзининг маълумотлар базаси орқали ҳар бир ҳисобга олиш приборининг ҳиёслашлараро интервал муддати ўтишини кузатиб боради ва даврий ҳиёслашдан ўтказишнинг ўз ваҳтида амалга оширилиши учун жавобгар ҳисобланади.
- 6. Хисобга олиш приборини навбатдан ташқари қиёслашдан ўтказиш электр таъминоти корхонаси ташаббуси билан ўтказилганда, қиёслашдан ўтказиш билан боглиқ барча харажатлар худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан амалга оширилади, мазкур Низомнинг 34-бандида назарда тутилган холлар бундан мустасно.
- 7. Хисобга олиш прибори эксперт текширувидан суриштирув, тергов, прокуратура органлари ёхуд суднинг қарорига (ажримига) асосан ўтказилиши мумкин.

### 2-боб. **Хисобга олиш приборларини даврий киёслашдан** ўтказиш ишларини ташкил килиш

8. Хисобга олиш приборларини даврий қиёслашдан ўтказиш ишлари



электр таъминоти корхонаси томонидан ташкил этилади. Бунда келгуси йил учун хисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш ишлари бўйича режажадвал ишлаб чиқилади ва ҳар йили 20 декабрга қадар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

- 9. Хисобга олиш приборининг қиёслашлараро интервал муддати тугашидан камида бир ой олдин электр таъминоти корхонаси томонидан истеъмолчига имзо қуйдирган ҳолда ҳабарнома тақдим этилади. Хабарнома икки нусҳада тузилади. Унинг бир нусҳаси истеъмолчига берилади, истеъмолчи томонидан имзоланган иккинчи нусҳаси эса, электр таъминоти корҳонасида қолдирилади.
  - 10. Хабарномада қуйидаги маълумотлар курсатилиши лозим:

ҳисобга олиш приборининг қиёслашлараро интервал муддати тугайдиган вақт;

ҳисобга олиш приборини қиёслашдан ўтказиш учун белгиланган тариф бўйича тўланиши лозим бўлган сумма;

хисобга олиш приборини ечиб олиш учун электр таъминоти корхонаси ходими борадиган кун;

хабарнома юбораётган электр таъминоти корхонасининг реквизитлари; бошқа зарур маълумотлар.

- 11. Хабарномага қиёслашдан ўтказиш учун белгиланган тариф бўйича тўланиши лозим бўлган сумма кўрсатилган тўлов хужжати илова қилинали.
- 12. Хабарномани келтирган шахс истеъмолчини яшаш жойида топмаса, хабарнома у билан бирга яшайдиган катта ёшдаги оила аъзоларининг бирига ёки у билан бир хонадонда истикомат килувчи вояга етган шахсга, улар хам бўлмаса фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органига топширилади. Бундай холларда хабарномани кабул килиб олган шахс унинг иккинчи нусхасида ўзининг фамилияси, исми ва отасининг исмини, шунингдек хабарнома юборилган истеъмолчининг кими эканлигини (эри ёки хотини, отаси, онаси, ўгли, кизи ва хоказо) кўрсатиши шарт.

Хабарномани қабул қилиб олган шахс уни имконият булиши билан дарҳол истеъмолчига топшириши шарт.

- 13. Истеъмолчи вақтинча бирор жойга кетган булса, хабарномани келтирган шахс унинг иккинчи нусхасига истеъмолчи қаерга кетганлиги ва қачон келиши кутилаётганлиги туррисида ёзиб қуяди. Бу маълумотлар тегишли фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари томонидан тасдиқланиши лозим.
- 14. Қиёслашдан ўтказиш учун тўлов истеъмолчи томонидан қиёслашдан ўтказиш ишлари бошлангунга қадар амалга оширилиши лозим.
- 15. Кам таъминланган истеъмолчилар, уларнинг кам таъминланганлигини тасдикловчи хужжатга асосан, хисобга олиш приборини киёслашдан ўтказиш учун тўланиши лозим бўлган суммани 6 ой ичида тўлаши мумкин. Бунда киёслашдан ўтказиш учун тўлов электр таъминоти корхонаси ва истеъмолчи ўртасида киёслашдан ўтказиш ишларини бажариш бўйича ту-



зилган шартномага асосан қиёслашдан ўтказиш электр таъминоти корхонаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

- 16. Истеъмолчининг хисобга олиш приборини ечиб олиш (демонтаж килиш), киёслашдан ўтган хисобга олиш приборини истеъмолчига етказиб бериш, хисобга олиш приборини жойига ўрнатиш (монтаж килиш) электр таъминоти корхонасининг штатдаги электротехник ходими (бундан буён матнда ваколатли ходим деб юритилади) томонидан амалга оширилади.
- 17. Қиёслашдан ўтказиш ишлари ҳисобга олиш прибори ечиб олингандан сўнг 15 кун ичида якунланиши лозим.

#### 

18. Истеъмолчи томонидан қиёслашдан ўтказиш учун тўлов амалга оширилгандан сўнг, уч иш куни ичида хисобга олиш приборини ечиб олиш учун электр таъминоти корхонаси томонидан ваколатли ходим юборилади.

Ваколатли ходим соат 8.00 дан 20.00 гача истеъмолчининг хисобга олиш приборини ечиб олиш ва ўрнатиш учун келиш хукукига эга. Бунда ваколатли ходим ўз хизмат гувохномасини истеъмолчига кўрсатиши лозим.

19. Хисобга олиш приборини ечиб олишда ваколатли ходим истеъмолчи иштирокида хисобга олиш прибори ва ўрнатилган пломбаларнинг бутлигини текшириб, хисобга олиш прибори ечиб олинганлиги хакида уч нусхада далолатнома тузади. Бунда далолатноманинг бир нусхаси истеъмолчига берилади, иккинчи нусхаси электр таъминоти корхонасида колади, учинчи нусхаси эса, давлат метрология хизмати органига такдим этилади.

Далолатноманинг барча нусхалари ваколатли ходим ва истеъмолчи томонидан имзоланади. Далолатномада ҳисобга олиш приборининг тури, завод рақами, ишлаб чиқарувчининг товар белгиси ва унинг ечиб олинган вақтдаги курсаткичлари ҳамда бошқа зарур маълумотлар қайд этилади.

Истеъмолчи ваколатли ходим ўз вазифаларини амалга ошириши учун зарур шароитлар яратиши шарт.

- 20. Электр таъминоти корхонасида қиёслашдан ўтказилган хисобга олиш приборларининг алмаштириш фонди мавжуд бўлганда, истеъмолчининг хисобга олиш прибори ечиб олингандан сўнг, унинг ўрнига алмаштириш фондидан белгиланган тартибда қиёслашдан ўтказилган хисобга олиш прибори ўрнатилади хамда белгиланган тартибда сертификат расмийлаштириб берилади.
- 21. Электр таъминоти корхонасининг алмаштириш фонди мавжуд булмаганда, хисобга олиш прибори ечиб олинганидан сунг, ваколатли ходим киёслашдан утказиш ишлари давом этадиган даврга истеъмолчининг электр курилмаларини электр тармокларига тургидан-турги, хисобга олиш приборисиз улаб куяди.
- 22. Истеъмолчи хисобга олиш приборисиз электр тармоқларига тўгридан-тўгри уланган такдирда, фойдаланилган электр энергияси учун қонун хужжатларида белгиланган микдорда тўлов амалга оширилади.



#### 610-модда

## 4-боб. Хисобга олиш приборларини даврий қиёслашдан ўтказиш учун давлат метрология хизмати органига топшириш

23. Ваколатли ходим хисобга олиш приборини, у ечиб олингандан сўнг уч иш куни ичида давлат метрология хизмати органига унинг ечиб олинганлиги хакидаги далолатнома билан биргаликда такдим этади.

Хисобга олиш приборида ишлаб чиқарувчининг товар белгиси, ҳисобга олиш приборининг тури ва завод рақами аниқ бÿлмаса ёки у шикастланган ҳолатда бÿлса, давлат метрология ҳизмати органи уни қиёслашдан ўтказиш учун қабул қилишни рад этишга ҳақли.

Хисобга олиш приборини қабул қилиб олган давлат метрология хизмати органи ходими унинг қабул қилганлигини тегишли журналда қайд этади.

- 24. Хисобга олиш приборини қиёслашдан ўтказиш учун қабул қилиш рад этилган такдирда, бу ҳақда икки нусхада далолатнома тузилади ва давлат метрология хизмати органи ходими ҳамда ваколатли ходим томонидан имзоланади. Бунда далолатноманинг бир нусхаси ваколатли ходимга берилади, иккинчиси эса, давлат метрология хизмати органида қолади.
- 25. Хисобга олиш прибори қиёслашдан ўтказиш учун қабул қилинганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан давлат метрология хизмати органи ўртасида ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш бўйича шартнома тузилади.

#### 5-боб. **Х**исобга олиш приборларини даврий қиёслашдан ўтказиш ва таъмирлаш

26. Давлат метрология хизмати органи томонидан хисобга олиш прибори уч иш куни ичида қиёслашдан ўтказилади.

Киёслашдан ўтказиш натижаларига кўра хисобга олиш прибори ишлатишга ярокли деб топилган такдирда, давлат метрология хизмати органи ходими хисобга олиш прибори киёслашдан ўтказилганлигини тасдикловчи сертификат расмийлаштиради хамда ваколатли ходимга топширади.

- 27. Хисобга олиш приборининг хисоблаш механизми ва ростлаш элементларига рухсатсиз аралашувларнинг олдини олиш максадида хисобга олиш приборининг кожухлари махкамланган жой давлат метрология хизмати органи томонидан пломбаланади.
- 28. Қиёслашдан ўтказиш натижаларига кўра хисобга олиш прибори кейинчалик фойдаланишга яроқсиз деб топилган такдирда, давлат метрология хизмати органи ходими ваколатли ходимга хисобга олиш прибори фойдаланишга яроқсизлиги ҳақида ҳабарнома беради. Хабарномада ҳисобга олиш приборининг яроқсиз ҳолга келиш сабаблари, шунингдек ҳисобга олиш приборини таъмирлаш мумкинлиги ёки уни таъмирлаш имкони мавжуд эмаслиги кўрсатилади.



48 (704)-сон

- 29. Давлат метрология хизмати органи ходими томонидан берилган хабарномага асосан хисобга олиш приборини таъмирлаш мумкин булса, ваколатли ходим истеъмолчини бу ҳақда хабардор қилади ва уни шартнома асосида таъмирлаш ташкилотига топширади.
- 30. Хисобга олиш прибори таъмирлангандан сунг, у таъмирлаганлиги хакида икки нусхада далолатнома тузилади ва унинг бир нусхаси ваколатли ходимга берилади, иккинчи нусхаси эса, таъмирлаш ташкилотида колдирилади.
- 31. Хисобга олиш прибори таъмирлангандан сунг, у ваколатли ходим томонидан киёслашдан утказиш учун давлат метрология хизмати органига топширилиши шарт.
- 32. Хисобга олиш приборини қайта қиёслашдан ўтказиш натижаси ижобий бўлган тақдирда, давлат метрология хизмати органи ходими шу куннинг ўзида хисобга олиш приборининг қиёслашдан ўтказилганлиги ҳақида сертификат расмийлаштириб, ҳисобга олиш приборининг кожухлари маҳкамланган жойини пломбалайди.
- 33. Хисобга олиш прибори қайта қиёслашдан ўтказилганда ҳам фойдаланишга яроқсиз деб топилган ҳолларда, электр таъминоти корхонаси томонидан истеъмолчига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ўлчов воситаларининг давлат реестрига киритилган ва Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан бирга ишлай оладиган бошқа ҳисобга олиш прибори ўрнатиб берилади.
- 34. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида назарда тутилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборини бузиш ҳолатлари истеъмолчининг айби билан содир этилганда, ҳисобга олиш приборини алмаштириш, ҳиёслашдан ўтказиш, таъмирлаш, ўрнатиш харажатлари ва кўрсатилган ҳизматлар ҳаҳи истеъмолчи томонидан тўланади.
- 35. Хисобга олиш приборини эксперт қиёслашдан ўтказишда манфаатдор шахслар ёки уларнинг вакиллари бевосита иштирок этишлари мумкин.

## 6-боб. Қиёслашдан ўтказилган хисобга олиш приборини жойига ўрнатиш

- 36. Ваколатли ходим қиёслашдан ўтказилган хисобга олиш приборини ўрнатиб, унинг клеммник қопқоғини (схемасини) пломбалайди ва истеъмолчига хисобга олиш приборининг қиёслашдан ўтганлиги ҳақидаги сертификатнинг асл нусхасини беради.
- 37. Хисобга олиш прибори ўрнатилгандан сўнг, бу хакда икки нусхада далолатнома тузилади. Далолатномада хисобга олиш приборининг тури, завод раками, ишлаб чикарувчининг товар белгиси ва унинг ўрнатилган вактдаги кўрсаткичлари хамда бошка зарур маълумотлар кайд этилади.

Далолатнома ваколатли ходим хамда истеъмолчи томонидан имзолана-



610-модда

48 (704)-сон

ди. Далолатноманинг бир нусхаси истеъмолчига берилади, иккинчи нусхаси эса, электр таъминоти корхонасида сакланади.

#### 7-боб. Якуний қоидалар

- 38. Қиёслашдан ўтказиш ишларини бажаришда юзага келган келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.
- 39. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор булган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар булади.
- 40. Мазкур Низом Ӱзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қумитаси ва «Ӱзбекэнерго» акциядорлик жамияти билан келишилган.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

Д. ХИДОЯТОВ

2015 йил 29 октябрь

«Ўзбекэнерго» АЖ Бошқаруви раиси

И. БАСИДОВ

2015 йил 14 октябрь

WWW.LEX.UZ